

Мурожаат ижроси таъминланди



Жорий йил 9 феврал куни ижтимоий тармоқларда эълон қилинган туманнинг “Гулистан” маҳалласи Гулистан-Солиобод кўчасидаги ички йўлнинг таъмирталаблиги тўғрисидаги мурожаатга нисбатан туман ҳокимлигининг мазкур кўчани ҳомийларни жалб қилган ҳолда шағал-тупроқ қопламаси билан таъмирлаб берилиши бўйича [расмий муносабати](#) эълон қилинган эди.

Куни-кеча туман ҳокимлиги ўз вадасининг устидан чиқиб, режадан олдинроқ “Гулистан” маҳалласи Гулистан-Солиобод кўчаси ҳамда Олтиариқ кўчаларида туман ҳокимлиги ташаббуси билан туман ободонлаштириш бошқармаси, туман Йўллардан фойдаланиш унитар корхонаси ҳамда ҳомий ташкилотларни жалб қилган ҳолда 1 километрдан ортиқ масофадаги тупроқ йўллар тошланди ва таъмирлаш ишлари олиб борилди.

Ички йўлларни таъмирлаш бўйича ташкил этилган ҳашарга 6 та юк машинаси ва 2 та махсус техника жалб қилинди.









